

## **ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*  
*Б.Тухлиев*

**Аннотация:** Ушбу мақолада давлат инвестиция сиёсати тушунчаси ва унинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти ҳақида сўз боради. Шунингдек, пандемия ва ундан кейинги шароитда инвестицияларнинг ўсиш сураъатига таъсир этувчи омиллар таҳлили келтирилган. Инвестиция сиёсатининг турлари, тизими ва уни амалга ошириш механизмларининг ташкил этувчилари кўрсатиб берилган. Пандемия сабабли дунёнинг етакчи давлатлари инқирозга қарши курашиш дастурлари ишлаб чиққанлиги, бу дастурларда кўзда тутилган чоратadbирларни молиялаштириш манбалари ҳақида сўз боради. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётида пандемия шароитида инвестиция фаолиятини ташкил этиш, унинг манбаларини шакллантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Амалиётда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми таҳлили келтирилган. Пандемия шароитида инвестиция муҳити инвестиция фаолияти стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этилишига хизмат қилувчи хулоса ва таклифлар акс эттирилган.

**Таянч сўзлар:** инвестиция, асосий капитал, инвестицион муҳит, инвестицион жозибадорлик инновация, ялпи ички маҳсулот, инвестор, инвестицион фаолият, инвестицияларни молиялаштириш.

### **Кириш**

Сиёсат маълум мақсаддаги вазифаларни амалга оширишдаги ҳаракатлар тизимидир. Давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим турларидан бири инвестиция сиёсатидир. Инвестиция сиёсати жамиятда моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига мақсадли ва илмий асосланган инвестициялар жалб қилишни ўзида акс эттиради. Маълум давлатнинг замонавий инвестиция сиёсати иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни кўтариш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш, инновация янгиликларини киритиш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этиш билан ажралиб туради.

Инвестиция сиёсати инвестиция фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишдаги ҳаракатлар йиғиндисини акс эттиради. Инвестиция

муносабатларининг қай даражада ташкил қилингани мамлакат ичкарисида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилувчи ва қабул қилинувчи қарорлар ва қонун-қоидалар билан белгиланади.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди” [1].

Мамлакат ва унинг қўйи иерархик бўғинларида инвестиция фаолиятини ташкил этиш, уни инвестициялаш манбаларини шакллантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва ҳисобга олиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини такомиллаштириш сингари қатор масалалар кўплаб иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ёритилган.

Юридик энциклопедияда инвестиция сиёсатига қўйидагича таъриф берилган, яъни Инвестиция сиёсати (инглизча *investmen policy*) – ички ва ташқи сиёсатни ҳисобга олган ҳолда умумий йўналишни белгилаш учун ижтимоий, иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорларини қабул қилиш мажмуи, шунингдек, воситалардан иқтисодий самарали фойдаланиш мақсадида мамлакат ичкариси ва ташқарисида капитал қўйилмаларни жамғариш ва йўналишларини белгилашдан иборат[2].

2019 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти” тўғрисидаги қонуни қабул қилинди. Бу қонун билан 1) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 609-И-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 611-И-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 719-И-сонли қонуни ва бошқа бир қанча меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди. Янги қонуннинг 3-моддасида инвестиция сиёсатига қўйидагича таъриф берилган. “Инвестиция сиёсати — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи”дир белгилаб қўйилган [3].

С.Махмудовнинг фикрича, инвестиция сиёсати – давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишидаги доимий мақсадли фаолиятларининг муҳим бир қисми ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг фаол инвестиция сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларида марказлаштирилган капитал қўйилмала салмоғини камайтириб, молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этишни такомиллаштириб борилаётганлиги муҳимдир [4].

Э.И.Носиров ва бошқалар томонидан ёзилган “Инвестиция рискларини бошқариш” номли ўқув қўлланмада инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида рискларни бошқаришнинг назарий асослари баён этилган. Инвестиция рискларини турлари ва шакллари ифодаланиб, рискларни бошқариш бўйича халқаро молия институтлари тажрибаси кўрсатиб берилган. Ўзбекистонда инвестиция рискларини бошқаришнинг самарали усуллари, воситалари ва имкониятлари ёритиб берилган [5].

Россиялик иқтисодчи олимлар Г.П.Подшиваленко ва Н.В.Киселеванинг фикрича, Инвестиция сиёсати – инвестиция ҳажми ва таркибини ўзгартиришга қаратилган ҳамда уни иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига самарали жойлаштиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуидир[6].

Шу ўринда Л.С.Валинурова корхона инвестиция сиёсатига қўйидагича таъриф берган: Корхона инвестиция сиёсати корхонага қўйилган инвестициялар самарадорлигини таъминлашга қаратилган, шунингдек, жалб этилган инвестициялардан самарали фойдаланиш орқали корхона молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллик даражаси, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш, узоқ муддатли истиқболда юқори суръатларда ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир[7].

Шунингдек, О.Астанақулов инвестиция сиёсатига қўйидагича таъриф беради: инвестиция сиёсати – яқин келажакда корхона инвестиция фаолияти билан боғлиқ жадал ва самарали стратегик режалаштириш жараёни ва прогнозлаштиришни вужудга келтириш. Давлат инвестиция сиёсатини минтақавий, тармоқ ҳамда корхона инвестиция сиёсатига алоҳида ажратиш олиш мақсадга мувофиқдир[8].

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг инвестиция фаолияти ва давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш, инвестиция муносабатларини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлилига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш,

гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил ва фаразани асослаш усулларидадан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда пандемия сабаб давлат иқтисодий сиёсатидаги номувофиқлик юзага келди. Пандемия сабабли дунёнинг етакчи давлатлари инқирозга қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиб, мазкур дастурларда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбаларини шакллантирди. Хусусан, коронавирус инфекцияси тарқалиши энг кўп кузатилган АҚШда инқирозга қарши курашиш дастурига 2,3 трлн. (ЯИМнинг 11 %), Германия 189,3 млрд.(ЯИМнинг 4,9 %), Хитой 168,7 млрд.(ЯИМнинг 1,2%), Канада 145,4 млрд.(ЯИМнинг 8,4 %), Австралия 133,5 млрд.(ЯИМнинг 9,7 %), коронавирус инфекцияси нисбатан кам тарқалган Япония 5,2 млрд., Аргентина 4,45 млрд. ва Индонезия 2,2 млрд. АҚШ долларига тенг маблағларни ажратди. Вақт ўтиши билан G 20 гуруҳига кирувчи давлатларнинг инқирозга қарши курашиш дастурлари қандай натижа берганлигига баҳо берамиз [9].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам пандемия ўз оқибатларини кўрсатмай қолмади. Энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархи пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир қилишини ҳисобга олиб, салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўриш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси (10 трлн сўм.) ташкил этилди [10].

Пандемия шароитида йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархи пасайиши эвазига иқтисодиётни қайта тиклаш учун йирик ҳажмдаги маблағлар сарфланиши мамлакатда инфляция суръатининг ўсиши ва ишсизлар сони ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолат ЯИМга ўз таъсирини кўрсатиб, ҳар ой мамлакат ЯИМнинг 2 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин[11].

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида инвестицион фаоллик пасайгани кузатилиб, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 91,3 %ни ташкил этади.

Давлат инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари хорижий инвесторнинг манфаатли қизиқишларидан келиб чиқади. Хорижий инвесторлар капиталнинг қопланиш муддати, инвестицияларнинг капиталлашув жараёнлари, томонлар улушлари ва фойданинг бўлиниши, шунингдек,

мамлакатда бозор механизмларининг ишлаш тартиблари ва бунга ривожланган экспортчи давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг муносабатлари масалаларига эътиборни қаратади.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 138.1 трлн.сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 63.7 % и ёки 88.0 трлн.сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 36.3 % ёки 50.1 трлн.сўм молиялаштирилди. Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, ўтган йилнинг мос давридаги улушига нисбатан 6.7 % пунктга пасайиб, 21.8 %ни ёки 30 178.7 млрд.сўмни ташкил этди. Мос равишда марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107 927,9 млрд.сўм ёки жами инвестицияларнинг 78.2 % инвестициялари ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичларга нисбатан 6.7 % пунктга кўпайди.

Инвестиция сиёсати жамиятда моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига мақсадли ва илмий асосланган инвестициялар жалб қилишни ўзида акс эттиради. Маълум давлатнинг замонавий инвестиция сиёсати иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни кўтариш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш, инновацион янгиликлар киритиш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этиш билан ажралиб туради. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, иқтисодий ривожланиш даражалари, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш сифатлари ва ҳажми ошиши, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тараққиёти кўп жиҳатдан инвестициялар ва инвестиция сиёсатига боғлиқ.

Демак, инвестиция фаолиятининг муҳим босқичи кўпроқ инвестиция сиёсатига тааллуқли бўлиб, давлат мамлакат ичкарасида инвестиция фаолиятини ҳукумат тадбирлари орқали мувофиқлаштириб боради.

Асосий капиталга ўзлаштириладиган инвестициялар марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни молиялаштириш манбалари таҳлили кўйидаги 1-жадвалда ўз аксини топган. 1-жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 138,1 трлн.сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 63,7 %и ёки 88,0 трлн. сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 36,3 % ёки 50,1 трлн. сўм молиялаштирилди.

Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар улуши, ўтган йилнинг мос давридаги улушига нисбатан 6,7 % пунктга камайиб, 21,8 % ёки 30 178,7 млрд. сўмни ташкил этди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар  
 (2020 йил январь-сентябрь) [12]**

Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	Ўсиш суръати %да	Умумий ҳажмга нисбатан, %да	
			2019 й.	2020 й.
<b>Жами</b>	<b>138106,6</b>	<b>91,3</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<b>марказлашган инвестициялар:</b>	<b>30178,7</b>	<b>70,3</b>	<b>28,5</b>	<b>21,8</b>
республика бюджети	8987,5	69,9	8,5	6,5
Молия вазирлиги ҳузуридаги сув билан таъминлаш ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	1365,5	99,7	0,9	1,0
жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси	х	х	х	х
тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	1365,7	20,7	4,4	1,0
шу жумладан, млн.АҚШ долларида	137,4	20,2	х	х
Ўзбекистон Республикаси кафолатидаги хорижий кредитлар	18460,0	83,4	14,7	13,3
шу жумладан, млн.АҚШ долларида	1857,0	81,6	х	х
<b>марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>107927,9</b>	<b>99,6</b>	<b>71,5</b>	<b>78,2</b>
корхона маблағлари	37916,3	116,3	21,6	27,5
аҳоли маблағлари	12157,2	79,8	9,8	8,8
тўғридан-тўғри, бошқа ва кафолатланмаган хорижий кредитлар	38132,7	103,3	24,4	27,6
шу жумладан, млн.АҚШ долларида	3835,9	101,0	х	х
<i>шундан:</i>				
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	15086,1	63,0	15,9	10,9
шу жумладан, млн.АҚШ долларида	1517,6	61,5	х	х
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	19721,7	83,4	15,7	14,3

Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107927,9 млрд. сўм ёки жами инвестицияларнинг 78,2 % инвестициялари ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 6,7 % пунктга кўпайди. 2020- йилнинг январь-сентябрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар – 37 916,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 27,5 %ини ташкил этди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 8,8 % и ёки 12 157,2 млрд. сўми ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 15 086,1 млрд. сўмни ташкил этди ва

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,0 % пунктга камайиб, 10,9 % ни ташкил этди.

Мамлакат инвестиция сиёсатини юритишда ишлаб чиқариш тармоқларини техник ва технологик таркибий ўзгартириш масалаларига ҳам эътибор қаратилади. Ишлаб чиқаришнинг таркиб топган тармоқларини қайта қуриш, замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан қуроллантириш, бевосита хорижий инвестицияларни жалб этишнинг бир йўналиши бўлса, иккинчи йўналиши янги ишлаб чиқаришлардаги бевосита хорижий инвестициялар, яъни автомобилсозлик, электрон, электротехника саноати таркиб топмоқда. Қурилиш индустрияси, алоқа тармоқлари тизими ва қишлоқ хўжалигида энг янги технологиялар жорий қилинмоқда.

*2-жадвал*

**Иқтисодий фаолият тури бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар (2020 йил январь-сентябрь) [13]**

Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан, %да	
		2019 й.	2020 й.
<b>Асосий капиталга инвестициялар – жами</b>	<b>138106,6</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан иқтисодий фаолият тури бўйича:			
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	11971,8	8,4	8,7
тоғ-кон саноати	14186,7	8,1	10,3
ишлаб чиқариш саноати	44586,8	27,1	32,3
электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган ҳаво	7881,2	11,7	5,7
сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш	2315,6	2,3	1,7
қурилиш	5608,0	5,6	4,1
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	6269,1	3,3	4,5
ташиш ва сақлаш	7437,4	5,5	5,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1655,8	1,5	1,2
ахборот ва алоқа	3494,5	1,6	2,5
молия ва суғурта фаолияти	1398,6	0,8	1,0
касбий, илмий ва техник фаолият	2366,0	1,4	1,7
таълим	3649,0	2,9	2,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4080,0	2,2	3,0
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2225,0	1,1	1,6
турар-жой қурилишига инвестициялар	13124,1	11,6	9,5
бошқа фаолият турлари	5857,0	4,9	4,2

2-жадвал маълумотлари таҳлил қилинса, асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш

саноати етакчилик қилмоқда. Мазкур иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 44 586,8 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 32,3 %и ўзлаштирилган. Унинг таркибида энг кўп инвестициялар ўзлаштирилган 3 та фаолият тури куйидагилардан иборат:

- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 11 186,9 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 8,1 %)

- бошқа нометалл минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 9 634,1 млрд. сўм (7,0 %);

- металлургия саноати – 8 187,2 млрд. сўм (5,9 %).

Тоғ-кон саноатида жами 14 186,7 млрд.сўм ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 10,3 % и ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибидан 7,7 % и ёки 10 610,9 млрд. сўми хом нефть ва табиий газ казиб чиқариш соҳасига тегишлидир.

Инвестицион сиёсат биринчи навбатда инвестицион муҳитнинг субъектив ташкил этувчиларига таъсир этади.

Инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган инвестицион сиёсат йўналишлари орасида куйидагиларни алоҳида кўрсатиш лозим:

- мамлакат ва чет эл инвесторлари учун қулай механизм яратиш,

- капитал маблағлар самарадорлигини ошириш,

- инвестицион фаолият билан шуғулланишдаги риск даражасини минималлаштириш.

Инвестицион сиёсат охир-оқибатда мамалакатнинг барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даржасини оширишга қаратилган бўлиши керак.

Дарҳақиқат, хорижий инвесторнинг кейинги қизиқишлари қўйилган капиталнинг қопланиш муддати, инвестицияларнинг капиталлашув жараёнлари, томонлар улушлари ва фойданинг бўлиниши, шунингдек, мамлакатдаги бозор иқтисодиёти муносабатлари кечиши, бунга халқаро ташкилотларнинг муносабатлари масалаларига эътибор қаратилади.

Давлат инвестиция сиёсати қўйидаги таркибий тузилишга эга бўлиб, қўйидаги стратегик ва тактик тадбирларни камраб олади:

- давлатнинг муҳим иқтисодий кўрсаткичларини прогнозлаштириш;

- иқтисодиёт тармоқларида молиявий сиёсатни белгилаш;

- давлат ва инвестор ўртасидаги муносабатларни меъёрий тартибга солиш;

- инвестицион товарларни харид қилиш бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш.

Инвестиция сиёсатининг таркибий тузилишлари ўзаро боғлиқ бўлиб, давлат инвестиция сиёсати уларни йўналтирувчи бош бўғин ҳисобланади (3-жадвал). Давлат инвестиция сиёсати ҳудудий ва тармоқ инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга инновация ва хорижий инвестицияларни жорий этишдаги бош режа ҳисобланади. Шунингдек, тармоқлар ҳамда хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотлар (микро) даражасидаги инвестиция фаолияти учун “ўйин қоидаси” ни ташкил қилиб беради.

*3-жадвал*

### Давлат инвестиция сиёсати турлари [14]

Белгилари	Инвестиция сиёсатининг турлари
а) Ҳокимият органлари	Давлат; ҳудудий; маҳаллий
б) соҳа ва тармоқлар иқтисодиёти бўйича	ўрта ва кичик тадбиркорлик соҳаларининг инвестиция сиёсати; давлат ва хусусий сектор инвестиция сиёсати; тармоқлар иқтисодий фаолияти инвестиция сиёсати (саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо)
в) давлат фаолияти йўналишлари бўйича	қонун ижодкорлиги фаолияти; прогнозлаштириш; дастурлаштириш; давлат бюртмаларини шакллантириш; инвестиция ресурсларини харид қилиш бўйича; инвестиция жараёнларини молиявий ва ходимлар таъминоти бўйича
г) давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари бўйича	бевосита, билвосита; маъмурий ва бозор механизмлари бўйича
д) давлат молиялаштириш инструментлари бўйича	бюджет; бюджетдан ташқари; меъёрий
е) даврийлик хусусиятига кўра	Стратегик ва тактик

*Тармоқ давлат инвестиция сиёсати* макродаражадаги инвестиция сиёсатининг таркибий тузилиши бўлиб, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларидир.

*Ҳудудий давлат инвестиция сиёсати* ҳудуд мафаатларидан келиб чиққан ҳолда фаол инвестиция фаолиятини ташкил қилиш бўйича олиб борилувчи чора-тадбирлар мажмуасидир.

Ҳар бир ҳудудда давлат инвестиция сиёсати ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва унга қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- ҳудуднинг географик жойлашуви ва табиий-иқлим шароитлари;
- демографик ҳолати;
- маҳаллий ҳокимият органларининг олиб бораётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсати;
- ҳудуднинг мавжуд ишлаб чиқариш-техник, молиявий ва инновацион салоҳияти;
- моддий ресурслар билан таъминланиш даражаси;
- ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги;
- атроф-муҳитнинг ҳолати.

Корхона ва ташкилотлар инвестиция сиёсати корхона ва ташкилотларда барқарор молиявий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш механизмлари ва муайян мақсадли фаолиятни шакллантириш йўллари орқали инвестиция жараёнларини тартибга солиш тадбирлари тизимидир.

Давлат инвестиция сиёсати таркибида қўйидаги фаолият шакллари ажралиб туради: стратегия ва тактика(1-расм).



**1-расм. Давлат инвестиция сиёсати тизими**

Давлатнинг инвестиция соҳасидаги *стратегияси* иқтисодиётнинг йирик миқёсдаги, узок муддатли комплекс вазифалар ечимига қаратилган фаолияти ҳисобланади. Стратегиянинг қўйидаги элементлари мавжуд:

1. Инвестиция фаолиятини тартибга солишда устуворлик ва тамойилларга амал қилган ҳолда узоқ муддатли вазифа ва мақсадлар белгилаб олиниши.

2. Молиялаштириш манбалари аниқлаб олиниши.

3. Инвестициялаш йўналишларини танлаш.

Стратегик вазифаларни ҳал қилишда қўлланилувчи бошқарув усуллари, шакллари ва воситалари йиғиндиси **тактика** деб аталади.

Давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, унинг олдига қўйилган вазифалар давлатнинг бошқа сиёсат турлари билан бевосита боғлиқ. Масалан, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган асосий воситаларни қайта молиялаштириш учун ажратилувчи ва фойдаланилувчи амортизация ажратмаларини ажратиш тартиби ва усуллари амортизация сиёсатига боғлиқ бўлади.

Давлат инвестиция сиёсатини уни амалга оширишнинг аниқ механизмларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

*Иқтисодий механизм* иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгиловчи ички тизим ва тузилишдир.



## 2-расм. Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизми

Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш *механизмлари* қўйидагиларни акс эттиради:

1. Муайян мақсадга эришишга қаратилган йўл харитаси (инвестиция фаолиятида ечимини кутаётган бошқарув вазифалари). Инвестиция сиёсатини амалга ошириш муддатлари, масъуллари, молиялаштириш манбалари ва усулларини акс эттирувчи концепциялар ишлаб чиқиш.

2. Инвестиция сиёсатини амалга оширувчи муайян ҳокимият органларини белгилаб олиш. Шунингдек, инвестиция сиёсатини амалга оширувчи масбул органларнинг ўзаро муносабат тартиблари ва ваколатларини белгилаш.

3. Инвестиция сиёсати вазифаларини амалга ошириш учун мўлжалланган давлат ресурслари ҳажмини белгилаш. Инвестицияларни жалб этиш учун қулай инвестицион муҳитни шакллантириш (инвестицион бозорни таъминлаш учун инфратузилма яратиш).

4. Инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан назоратлар ўтказиш.

5. Давлат ва маҳаллий бюджетдан фойдаланиш қоидаларини акс эттирувчи зарур норматив-ҳуқуқий база яратиш.

Бироқ пандемия ва унинг тарқалишига қарши чеклов чоралари дунё иқтисодиётига кескин ва сезиларли даражада зарар етказди. Мутахассисларнинг фикрича, ишлаб чиқариш суръатларининг бундай кескин пасайиши Иккинчи жаҳон уруши давридан бери биринчи марта кузатилмоқда. Жаҳон Банкнинг 2020 йил июнь ойидаги тахминларига кўра, 2020 йили дунё иқтисодиёти 5,2 фоизга қисқариши кутилмоқда. Аҳоли жон бошига даромадлар миқдори 3,6 фоизга камайиб, бунинг натижасида ер юзидаги миллионлаб аҳоли қашшоқликка юз тутиши мумкин.

Ривожланган давлатларда иқтисодий фаоллик 7 фоизга, ривожланаётган мамлакатларда 3 фоизга камайиши тахмин қилинмоқда. Жорий йилда Европа минтақасида ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизгача қисқариши, АҚШ ва Япония сингари давлатлар 6,1 фоизгача бўлган ялпи ички маҳсулотларини йўқотиши мумкин. Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида иқтисодиётнинг ўртача 4,7 фоизга, Россияда 6 фоизга қисқариши кутилмоқда [15].

БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) тахминларига кўра, пандемиянинг салбий оқибатлари 2020-2021 йилларда дунё миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг 40 фоизгача қисқаришига олиб келиши мумкин. Бу сўнгги 20 йил давомидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади [16].

Бир қатор тадқиқотчилар пандемия келтириб чиқарган инкироз моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг барча соҳаларига таъсир кўрсатиб, хаттоки, ижтимоий таъсир, яъни оилада турли кўринишдаги зўравонликларнинг кучайиши ҳамда интернет орқали турли он-лайн ўйинларга қизиқиш янада ошишига олиб келишини ҳам таъкидлаб ўтганлар [17].

### **Хулоса ва таклифлар**

Пандемия шароитида инвестицион муҳит инвестицион фаолият стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишга хизмат қилади. Жумладан;

- Пандемия ва ундан кейинги йилларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қоплаш мақсадида узоқ вақт ва катта инвестиция маблағлари талаб этмайдиган, қисқа вақтда даромад олиш ва иш ўринларини яратиш имконини берувчи мобил технологик линияларга устуворлик қаратиш, Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, гўшт ва гўшт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалларига;

- маҳаллий инвесторларни рағбатлантириш, қонунчиликда хорижий инвесторларга мўлжалланган енгиллик ва имтиёзларни маҳаллий инвесторлар учун ҳам татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади;

- устувор деб, саналган соҳалардаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ҳам хорижий ҳам маҳаллий инвесторлар учун қонунчилик талаблари 10-20 йилга ўзгармаслигининг давлат томонидан қафолатланган тартибларини белгилаш.

Ўзбекистоннинг инвестицион сиёсати қўйидагиларга йўналтирилган бўлиши керак:

- республика қонунчилиги камчиликларини бартараф этишга;  
- давлатнинг инвестицион сиёсати ноизчиллигини текислашга;  
- ортиқча ишчи кучига эга ҳудудларга инвестицияларнинг кўплаб тўпланишига қулай шарт-шароит яратувчи инвестицион муҳитни шакллантиришга;

- ижтимоий масалаларни ҳал этишга;  
- ҳудудлардаги инфратузилмани ривожлантиришга.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимият органлари хўжалик юритувчи субъектларга солиқ, ишлаб чиқариш қувватлари, бино ва иншоотлар масалаларида рағбатлантирувчи имтиёзларни бериш орқали ўз ҳудудларида инвестицион фаолликка эришиши мумкин. Бу тадбирлар инвестицион муҳит яхшиланиши ҳамда инвестициялар тўпланишига олиб келади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. “Xalq so‘zi” gazetasi 2018 yil 28 dekabr.
2. Tixomirov L.V. Yuridicheskaya ensiklopediya. Pod red. M.Yu.Tixomirova. – M.: 1998, s.181.
3. <http://www.lex.uz> (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими). О‘zbekiston Respublikasining Qonuni. 2019 yil 25 dekabr. “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati” to‘g‘risidagi.

4. Maxmudov S. B. Investitsiya faoliyatini moliyalashtirishning noan'anaviy usullarini takomillashtirish. "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy jurnali. №5, oktabr, 2020 yil. 2 bet.
5. Nosirov E.I. Investitsiya risklarini boshqarish. O'quv qo'llanma, Podshivalenko G.P., Kiseleva N.V. Investitsionnaya deyatelnost. - M.: Knorus, 2005. - 432 s.
7. Valinurova L.S. Otsenka investitsionnoy privilekatelnosti ekonomicheskix sistem: teoriya i praktika / L.S. Valinurova. - Ufa.: RIOBAGSU, 2002. -250 s.
8. Astanaqulov O.T. "Korxonalar investitsiya faoliyati tahlili metodologiyasini takomillashtirish" iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiya, T.: 2020 yil 44-45b.
9. Tuxliev B.K. Osobennosti investitsionnoy privilekatelnosti v usloviyax pandemii. Elektronnoe nauchno-prakticheskoe periodicheskoe izdanie «Ekonomika i sotsium» №12(79) 2020. [www.iupr.ru](http://www.iupr.ru) Rossiyskaya Federatsiya, g.Saratov
10. COVID-19 pandemiyasi va global iqtisodiy inqirozga qarshi kurash: "Taraqqiyot strategiyasi" Markazi, [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz)
11. Chakraborty I., Maity P. COVID-19 outbreak: Migration, effects on society, global environment and prevention. International Journal Science of the Total Environment 728 (2020) 138882. [www.elsevier.com/locate/scitotenv](http://www.elsevier.com/locate/scitotenv)
12. Davlat statistika qo'mitasi, <http://www.stat.uz>
13. Davlat statistika qo'mitasi, <http://www.stat.uz>
14. Trubilin A.I. i dr. Gosudarstvennaya investitsionnaya politika: Uchebnoe posobie.-2-ye izd.,isp. I dop. – SPb.: Izdatelstvo "Lan", 2018 -192.
15. Eminov A. Pandemiya va pandemiyadan keyingi davr: xorijiy davlatlarda investitsiya siyosati qanday kechmoqda? Adliya vazirligi huzuridagi Huquqiy siyosat tadqiqot instituti xodimi
16. Nosirov E.I. Koronavirus pandemiyasi inqirozining jahon iqtisodiyotiga ta'siri. "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron jurnali. № 3, iyun, 2020 yil. 7- bet.
17. Nicola M., Alsafi Z., Sohrabi C., Kerwan A., Al-Jabir A., Iosifidis C., Agha M., Agha R. The Socio-Economic Implications of the Coronavirus and COVID-19 Pandemic: A Review. International Journal of Surgery, <https://www.sciencedirect.com>